

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>А.Ўринов, Д.Усмонов</b> Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи .....	6
<b>А.Ғойипов</b> Бир номаълумли модулли тенгламаларни ечишнинг бир усули ҳақида .....	18

КИМЁ

<b>Х.Юлдашев, Ю.Мансуров</b> Автомобиль чиқинди газларини каталитик тозалаш .....	25
<b>Ғ.Мадраҳимов, М.Ҳожиматов, И.Асқаров</b> 1-(2-карбокисфенил)-1'-п-метил оксиферроценил тиюамид синтези ва унинг биостимуляторлик хоссалари .....	31
<b>Ш.Каримов, Н.Хабибуллаева, А.Хаитбаев</b> <i>Leptinotarsa decemlineata</i> (Say) таркибидан хитозан ажратиш олиш .....	36
<b>И.Асқаров, Ф.Абдугаппаров, М.Хожиматов</b> Амигдалиннинг кимёвий хоссалари ва инсон саломатлигига таъсири .....	42
<b>А.Йўлчиев, К.Джамолов, И.Асқаров, М.Мўминов</b> Мувозанатлаштирилган гранулаланган омихта ем таркибини бойитиш .....	49
<b>Х.Исмоилов, О.Саримсоқов, С.Хайдаров</b> Пахта пневмотранспорти учун материал ўтказгич конструкциясини ишлаб чиқиш .....	53
<b>У.Мараимова, И.Жалолов, Г.Бегматова, С.Арипова</b> Ўзбекистонда ўсадиган <i>goetmeria hybrida</i> даги кимёвий элементларнинг микдорий таркибини аниқлаш .....	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

<b>Г.Халматжанова, А.Ғофуров</b> Кластер тизими ривожда сув ресурслари салоҳиятини ошириш .....	62
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>И.Сиддиқов</b> Ўрта асрлар ислом гносеологияси ва теологиясининг ўзаро синтезлашуви .....	68
---	----

ТАРИХ

<b>М.Исамиддинов</b> Қадимги Марғиёна ва Бақтрия ҳудудидаги яз-II археологик комплексларини даврлаштириш масалалари .....	75
<b>И.Мамадалиев, Тим Брэгер</b> Ўрта Осиё Россия империяси таркибида .....	79
<b>Р.Арслонзода</b> Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиши .....	85
<b>А.Йўлдашев</b> XX асрнинг 20-йилларида европада таълим олган ўзбек қизи .....	90
<b>Д.Абдуллаев</b> XX асрда Ўзбекистон аҳолиси тақдирланишининг архив манбаларида акс эттирилиши .....	95
<b>Н.Рахматова</b> Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда каштачилик ва касаначиликнинг ўрни .....	102

ТАРИХ

УДК: 930.26+745/749

**ҚАДИМГИ МАРҒИЁНА ВА БАКТРИЯ ХУДУДИДАГИ ЯЗ-II АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКСЛАРИНИ  
ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**ВОПРОСЫ ПЕРИОДИЗАЦИИ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ ЯЗ-II НА ТЕРРИТОРИИ  
ДРЕВНЕЙ МАРГИАНЫ И БАКТРИИ**

**ISSUES OF PERIODIZATION OF YAZ-II ARCHEOLOGICAL COMPLEXES IN THE TERRITORY OF  
ANCIENT MARGIANA AND BACTRIA**

**Исамиддинов Мухаммаджон Хасанович<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Исамиддинов Мухаммаджон Хасанович**

– Фарғона давлат университети, тарих фанлари доктори, профессор.

**Аннотация**

Мақолада илк темир даврининг даврлаштирилиши масалаларини асослаш учун Яздепа ёдгорлигида В.М.Массон томонидан солинган стратиграфик қазишмаларнинг натижалари ҳозирги кунга келиб бутун Ўрта Осиёнинг ҳамма ҳудудларини эгаллаб ололмаётганлиги ҳамда Яз-II археологик комплекси фақат Амударёнинг жануб томонига тааллуқли бўлиши мумкинлиги қайд этилади.

**Аннотация**

В статье отмечается, что результаты стратиграфических раскопок, проведенных В.М. Массоном на памятнике Яздепа для обоснования хронологии раннего железного века, на сегодняшний день не охватывают всю Среднюю Азию, археологический комплекс Яз-II может относиться только к южной стороне Амударьи.

**Annotation**

The article notes that the results of stratigraphic excavations carried out by VM Masson at the Yazdepa monument to substantiate the chronology of the Early Iron Age do not cover all of Central Asia to date, and the Yaz-II archeological complex may belong only to the southern Amu Darya.

**Таянч сўз ва иборалар:** Яздепа, қўлда ясалган, устидан нақш берилган сополлар даври маданияти, Марғиёна, Бактрия, Суғд, Фарғона, илгаксимон бўйинли идиш, цилиндр-конус шаклли идиш, илоҳий тумор, бурганли маданияти, Кучуктепа, Тиллатепа, Кўктепа.

**Ключевые слова и выражения:** Яздепа, изделия ручной работы, культура узорчатого гончарного периода, Маргиана, Бактрия, Согд, Фергана, крючковидный сосуд, цилиндрическо-конусный сосуд, амулет, бурганская культура, Кучуктепа, Тиллатепа, Коктепа.

**Key words and expressions:** Yazdepa, handmade, patterned pottery culture, Margiyana, Bactria, Sughd, Fergana, hook-necked vessel, cylindrical-cone vessel, divine tumor, burgan culture, Kuchuktepa, Tillatepa, Koktepa.

Ўтган асрнинг 50-йилларида В.М.Массон ўзининг энг яхши китобларидан бири– «Древнеземледельческая культура Маргианы» китобини чоп этди (Массон В. 1959). В.М.Массон бу ёдгорликда қазишмалар олиб бориш жараёнида асосий эътиборни ёдгорликнинг стратиграфик ҳолатига, яъни ҳар қайси қатламдан қандай топилмалар топилаётганлигига қаратди. Чунки ўтган асрнинг 50-йилларида ҳам Ўрта Осиёнинг энг йирик ёдгорликларини ҳам моддий маданиятини даврлаштириш масалалари ўзининг якунига етмаган эди.

Туркменистоннинг Марв воҳасидаги йирик Яздепа ёдгорлигида солинган стратиграфик шурф жуда ҳам яхши натижа берди. Унинг қуйи қатламларидан юқори қатламларигача бўлган қисмларидан аниқ 3 та археологик комплекс олинди ва бу комплекслар илк темир даврдан Ўрта Осиёга Александр Македонский юришларига қадар

бўлган даврларнинг стратиграфик ҳолатини яққол намоён қилди. Натижада Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги илк темир даври археологик обидаларида иш олиб бораётган археологлар учун Яздепа стратиграфияси таянч база бўлиб хизмат қилди.

Яздепа стратиграфик комплексидаги энг қуйи қатлам (Яз-I) илк темир даври билан, кейинги иккинчи археологик комплекс Яз-II милoddан аввалги VII-VI асрлар билан ва охириги Яз-III археологик комплекси милoddан аввалги VI-IV асрлар билан даврланди. Яз-I археологик комплекси моддий маданияти учун деярли ҳамма идишларнинг қўлда тайёрланиб, устидан қизил ёки суюқ жигар ранг билан нақш бериш одатининг устуворлиги диққатга сазовордир. Шу билан бирга мутахассислар жанубдаги худди шу давр, яъни Яз-I археологик комплексида битта-иккита кулолчилик чархида ишланган идишларнинг учрашини ҳамда бу идишлар қадимги Бактрия

ва Марғиёнадаги шаҳарсозлик анъаналарининг таъсирида вужудга келганлигини таъкидлашади.

Яз-II археологик комплексида бир томондан Яз-I археологик комплекси давридаги қўлда ясалган анъанавий идишларнинг давом этиб келиши кузатилса, иккинчи томондан Қадимги Бақтрия ва Марғиёнанинг кулолчилик чархи ёрдамида идишлар тайёрлаш анъаналари ва усуллари келиб чиқади. Кулолчилик чархида тайёрланган идишларнинг аҳолининг кундалик турмушида яна қайта пайдо бўла бошлаганлигини археологлар шаҳарсозлик маданиятининг кейинги босқичи кириб келганлиги билан изоҳлашади. Албатта, кулолчилик чархида тайёрланган идишлар ўзининг шакли жиҳатидан Қадимги Бақтрия ва Қадимги Марғиёна даври кулолчилик чархида тайёрланган идишлардан тубдан фарқ қилар ва уларнинг асосий шакли цилиндр-конус шаклларида иборат эди. Бундан ташқари, Яз-II археологик комплексининг кулолчилик чархида ишлаб чиқарилган идишларнинг лаб қисмининг асосий белгиси сифатида уларнинг илмоқ шаклида эканлиги билан ажралиб туриши таъкидланади ҳамда айнан шу белгининг бўлиши Яз-II комплексини Яз-III комплексидан ажратиб турадиган белги сифатида кўрилиши нафақат В.М.Массон, балки кўплаб бошқа археологлар томонидан қайд этилди. Бунга қарама-қарши ўлароқ, анъанавий тарзда ишлатиб келинган қўлда ясалган идишларнинг умумий сони жами ишлаб чиқарилган кулолчилик маҳсулотларининг қарийб 30-40% ини айнан қўлда ясалган идишлар ташкил қилиши бу комплекснинг энг характерли белгиларидан биридир.

Демак, Яз-II археологик комплексининг асосий археологик белгилари идишларнинг яқин 30-40%и қўлда ясалганлиги, яъни идишларнинг катта қисмини анъанавий идишлар ташкил этиши, шу билан бирга кулолчилик чархида ишланган идишларнинг лаб қисми илмоқ шаклида ясалгани билан фарқланиши характерлидир.

Яз-III археологик комплексининг энг характерли белгиси деярли барча идишларнинг кулолчилик шаклида ясалганлиги ва уларнинг шакли фақат цилиндр-конус шаклида эканлиги билан характерланади. Бу даврда фақат ўчоқда ишлатиладиган идишлар қўлда тайёрланган. Юқори ҳарорат билан боғлиқ қозон-қумғон каби идишлар доимо қўлда тайёрланган, чунки катта температура

билан боғлиқ идишларнинг лойига қум, майдаланган тош (дресва), майдаланган сопол (шамот) қўшилган тақдирдагина юқори температурага чидамли бўлар эди. Таркибига бундай кўп миқдордаги қум, тош ёки туйилган сопол парчалари солинганлиги учун ҳам бундай лойни кулолчилик чархида ишлатишнинг имконияти бўлмаган. Шунинг учун барча ўт билан боғлиқ идиш-товоқлар доимо қўлда тайёрланган.

Яз-I ва Яз-II даврларига оид археологик комплекслар ўртасидаги анча кескин, аммо яққол кўзга кўринадиган фарқ кейинги Яз-II ва Яз-III даври археологик комплексларида унчалик билинмайди. Нима бўлганда ҳам ўтган асрнинг 60-90 йилларида топилган барча археологик обидалар айнан Яздепа стратиграфиясининг асосий таянч қисми бўлган Яз-II археологик қисмига қараб туриб даврланди, аммо бу фарқнинг айнан ҳудудий фарқ эканлигига ҳеч ким эътибор бермади.

Кейинги йилларда Суғд ҳудудларида олиб борилган археологик изланишлар В.М.Массоннинг Яздепа археологик ёдгорлигида ажратилган археологик комплексларини Яз-II ва Яз-III археологик комплекслари ўртасида унчалик катта фарқ йўқлигини кўрсатди. Бу фарқ асосан Яз-II комплексидagi цилиндр-конус шаклида ясалган идишларнинг фақат Амударёнинг жануб томонига хос эканлиги ва бундай идишларнинг шимол томонда, айниқса Суғд ҳудудларига хос эмаслиги маълум бўлди. Шулардан келиб чиқиб, биз Яз-II даврига оид цилиндр-конус шаклидаги идишларнинг қармоқ шаклидаги бўйин қисмининг ўзига хослиги белгиси – бу, фақат алоҳида устахонанинг ишлаб чиқаришдаги белгиси эканлигини таъкидлашимиз керак. Чунки Яз-II археологик комплекси билан Яз-III археологик комплексининг бошқа идишлари ўртасида деярли фарқ йўқ.

Шунинг учун ҳам Суғдда топилган археологик комплексларнинг биронтаси ҳам Бақтрия ва Марғиёнадаги каби бўлиб ажрамайди. Марғиёнадаги Яз-II археологик комплексини ишлаб чиқарган устахоналар Амударё бўйларида яшаган устахоналар бўлган бўлиши керак. Айнан шу устахоналар ўзларининг кулолчилик анъаналари бўйича кулолчилик буюмларини ишлаб чиқарган бўлишлари керак.

Археологлар биринчи маротаба илк темир даврига оид археологик комплексларини америкалик археолог Р.Пампеллининг Ашхобод яқинидаги Ановдепа деб аталадиган

## ТАРИХ

ёдгорликда олиб борган стратиграфик шурфидан кейингина маълум бир тасаввурга эга бўлишди (Schmidt 1908,156-157).

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охириларида I минг йиллик бошларигача бўлган даврда Евроооё қитъасининг катта ҳудудларида анъанавий бўлган жанубдаги ўтроқ деҳқончиликка асосланган маданият билан шимолдаги чўл зоналарига кирувчи маданиятларга кескин бўлинган эди.

Фарғона водийсидаги илк темир даври ўтроқ деҳқончилик маданиятига асосланган тураржойларнинг умумий сони бошқа ҳудудларнинг худди шу давр турар-жойларига ва маданиятига эга бўлган ҳудудлардан бир неча марта катта қалинликка эга эканлиги билан ажралиб туради ва бу, турли муаллифлар томонидан ҳам эътироф этилган. Шу билан бирга Фарғонада деҳқончилик қилинадиган ерларнинг катта қисми тоғлардан оқиб тушадиган дарё ва сойларнинг сувидан сув ичганлиги аниқланган, қолган ёдгорликларнинг ерости сувларидан тўйнадиган булоқлар ва ариқларнинг ёқасида жойлашганлиги туфайли бу ёдгорликлар булоқ сувларидан сув ичиб ривожланганлигини кўрсатади (Матбабаев, 2008,14-37). Илк темир даври деҳқон жамоаларининг кундалик ҳаётида уларнинг асосий машғулоти—деҳқончиликдан ташқари, уй чорвачилиги ҳам катта роль ўйнаган.

Ўрта Осиёнинг илк темир даври суғориш тизими жуда кўп ҳолларда тоғлардан оқиб тушаётган сой ва дарёларнинг суғориш тизимларига асосланган. Худди шундай суғорилиш тизими қадимги Суғдиёнада ҳам кузатилган (Ерқўрғон, Сангиртепа, Кўктепа). Бу деҳқон жамоалари асосан ертўла, ярим ертўла, пахсадан ёки ғишдан кўтарилган уйларда яшашиб умргузаронлик қилганлар. Деҳқончилик ва уй чорвачилиги билан шуғулланган бу деҳқон жамоаларининг кундалик турмуш тарзи ва моддий маданияти Тошкент воҳасининг бургулук маданиятининг моддий маданиятига жуда яқин бўлган (Исамиддинов, 2002; Lhuillier J. 2010,23). Кўктепанинг қуйи қатламларида бронза қуйиш устахонаси топилган ва шунинг учун ҳам бу ердаги хунармандчиликнинг анча ривожланган эканлигини таъкидлаш билан бирга, бу устахонада чуст типидagi ўроқ ва пичоқлар ишлаб чиқарилганлигини шу ерда сақланиб қолган тош қолиплардан ҳам билса бўлади (Rapin, et al. 2010,21).

Ўрта Осиёнинг илк темир даври археологик комплексларини даврлаштириш масалаларида кейинги йилларда қўшни

Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ҳудудида Ю.А.Заднепровский томонидан олиб борилган қазишма ишлари нафақат Фарғона водийсининг, балки атрофдаги илк темир даври археологик комплексларини даврлашда ҳам жуда катта роль ўйнади. Чунки айнан Сулаймонтоғ этагидаги илк темир даврига оид Ўш турар-жой маконида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида 15 дан ортиқ қазишмадан радиокарбон анализлар олинди. Натижада милоддан аввалги XXII асрдан XII-X асрларгача бўлган даврларга оид осори атиқаларнинг хронологияси бўйича катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Ю.А.Заднепровский Сулаймонтоғ этагидаги турар-жой маконининг даврини ўртача XVI асрлар билан белгилайди (Заднепровский Ю.А. 1997,172).

Ўш ёдгорлигини ўрганишдан олинган натижалар Ўрта Осиёнинг илк темир даври бўйича жуда катта илмий хулосаларни олиш имкониятини берди. Улардан бири шимоли-шарқий ҳудудларнинг аксарият қисми, шу жумладан, Хитойгача бўлган ҳудудларга чуст маданияти тарқалган эди, шу билан бирга бу маданият ўзининг архаик анъаналарини кўп ҳолларда сақлаб қолган бўлган.

Чуст маданиятини Ўш турар-жой маконидан Ю.А.Заднепровский томонидан олинган радиокарбон анализлар ёрдамида чуст маданиятининг бошланиш даврининг қадимийлаштирилиши ўзига хос катта резонанс берди. Айниқса бу маданиятга хос белгиларни Жарқўтон ёдгорлигининг юқори қатламларидан айнан Жарқўтон даврига оид кулолчилик буюмларнинг устидан рангда нақш берилган ҳолатда топилиши, бу маданиятнинг келиб чиқишини айнан чуст маданияти билан боғлаш имконини берди. В.Рузановнинг кузатишича, чуст маданиятининг металл буюмлари сополли маданиятининг металл буюмлари билан синхрон эканлигини ёзади (Рузанов, 2004,32-35).

Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмидаги Машань даври кулолчилик буюмларини айнан чуст маданиятининг рангда нақш солинган кулолчилик буюмларига жуда ўхшаш эканлигини ўз пайтида Ю.А.Заднепровский айтган эди (Заднепровский Ю.А.1962,107). Машань билан чуст маданиятининг бир-бирига параллеллиги милоддан аввалги 1700-1300 й.га тўғри келади.

«Сўх тоштумори» – тошдан ишланган иккита илоннинг бир-бирига ҳамла қилиб турганлигини ифодалаган энеолит ва илк бронза даврига оид буюм бўлиб, мазмун-моҳиятига кўра ибодат билан боғлиқ бўлган

бўлиши керак. Ҳозирги кунда биз аниқ айтишимиз мумкинки, чуст маданиятининг келиб чиқишида геоксюр ёки саразм маданияти, балки шу маданиятларга синхрон деҳқончилик маданиятлари туришини алоҳида таъкидлашимиз керак. Жумладан, жануби-ғарбий Эрон ҳудудида жирофта, Месопотамияда хаваж, деб аталадиган маданиятлар бўлиб, улар милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошлари билан даврланади. Шунинг учун ҳам, яъни ёдгорликларнинг даври тўғри келганлиги учун ҳам, шунингдек, маданиятларнинг бири-бирига яқинлиги учун ҳам “Сўх тоштумори” билан жирофта маданиятига қарашли “тоштумор”га жуда ўхшаш (Абдуллаев К. 2009, с.98-104; 2007, с. 88-93.).

Зарафшон водийси моддий маданияти билан Фарғона водийсининг моддий маданиятларини қиёсий ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади: 1. Зарафшон водийсида ҳам, Фарғона водийсида ҳам сўнги энеолит ва илк бронза даврида Зарафшон водийсидаги саразм маданиятига ўхшаш илк деҳқон жамоалари яшашган. Бунга мисол қилиб “Сўх тоштумори”, Қорасув “тарози тоши”, Андижон ва Наманган музейларида сақланаётган “тарози тошлари” ва яқинда Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани ҳудудидаги хусусий ҳовлида 4,5 метрли чуқурликдан топилган яна бир янги “тарози тоши” ва, ниҳоят, Ўш вилоятининг Сулаймонтоғ давлат музей-қўриқхонасида сақланаётган 2 та “тарози тош”ларининг даври камида милоддан аввалги III-II минг йилликлар билан даврланади. Зарафшон водийсининг юқори оқимидан топилган саразм маданиятининг

даври ҳам шу даврга тўғри келганлиги ва унинг моддий маданияти жуда ўхшашлиги билан ажралиб туради.

2. Юқоридагилардан келиб чиқиб, чуст деҳқончилик маданиятининг асосида саразм бободеҳқонларининг маданияти ётишини алоҳида таъкидлашимиз керак.

3. Чуст маданияти билан эйлатон маданияти ўртасидаги фарқ у қадар катта эмас. Чуст маданиятида ҳам, эйлатон маданиятида ҳам қўлда ясалган идишларнинг устувор эканлиги, кундалик турмушда тош қуролларининг кўпроқ ишлатилиши, айниқса, чуст типидagi тош қуролларининг кўп учраши ўша маданий ворисликнинг давом этиб келаётганлигидан дарак беради.

4. Деҳқончилик ва чорвачилик қилиб хўжалик юритишга асосланган замонабо маданиятига ўхшаш бўлган қайроққум ва кейинроқ эйлатон маданияти дастлаб водийнинг жануби-ғарбий ҳудудларида бўлсалар ҳам, кейинроқ ўтроқлашиб деҳқон жамоаларига ва шаҳарлашув жараёнларига тўлиқ қўшилиб кетдилар.

Биз шарқий ҳудудлардан, жумладан, Синцзян томондан бўлган таъсирнинг ўрнини камситмаган ҳолда уни чорвадор аҳоли томонидан амалга оширилганлигини таъкидлаймиз. Булар тўғрисида А.А.Асқаров ва Ю.А.Заднепровский бир неча марта ёзганлар (Асқаров А. ва бошқ.1979 с. 68-74; Заднепровский Ю.А, 1981, с. 95-98). Хуллас, Ўрта Осиёнинг деҳқончилик маданияти жанубий ҳудудларда ҳам, шунингдек, шимоли-шарқий ҳудудларда ҳам келгусидаги урбанизация жараёнларининг асоси бўлдилар.

#### Адабиётлар:

1. Абдуллаев К. Культ хаомы в древней Центральной Азии. Самарканд: 2009.
2. Абдуллаев К. Церемониальный культовый предмет из Соха с изображением змеи//Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. – Т.: 2007.
3. Аванесова Н.А., Джурақулова Д.М. Древнейшие номады Зерафшана // Культура номадов Центральной Азии. Материалы международной конференции. – Самарканд. 2008.
4. Асқаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Т.: Фан, 1979.
5. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА. Вып 118, – М.: 1962.
6. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. – Бишкек: Мурас, 1997.
7. Заднепровский Ю.А. Преемственность и инновации в развитии культуры (по материалам древней Ферганы) // Преемственность и инновации в развитии древних культур. – Л., 1981.
8. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в период раннежелезного века и античности. Т.: Издательство “Халқ мероси” им. А.Кадыри. 2002.
9. Марущенко А.А. Елкен-депе // ТИИАЭ АН Туркм.ССР. т.5. – Ашхабад: 1959.
10. Матбабаев Б. Городища Дальверзин // Книга-альбом – Древние города Ферганской долины. –Т.: 2008.
11. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. М.,Л. 1959.
12. Lyonnet B., Isakov A., Avantsova N. Sarasm (Tadjikistan) ceramiques (chalcolitique et Bronse Ancien). Memoires de la mission archeologique francaise en Asie Centrale, tome VII, Paris: 1996.
13. Lhuillier J. La ceramique de L’Age du fer ancien a l’epoque achemenide (env. 1300-300 av. J.-C.). Dossiers d’Archeologie. n. 341/sept.-oct. 2010.
14. Schmidt H. Archaeological excavations in Anau and Old Merv. – «Explorations in Turkestan. Expedition of 1904, Prehistoric civilizations of Anau. Origins, growth, and influence of environment». Ed. By R. Pumpelly, vol. I. Washington, 1908.
15. Rapin Cl., Isamididinov M., Khasanov M. Koktepe ville jumelle de Maracanda. Dossiers d’Archeologie. n. 341/sept.-oct. 2010.